Ушбу сонда:
2 ТАДБИРКОРНИНГ ЗЎРАВОНЛИГИ ЎТМАДИ
3 TV-ДАСТУРИ
4 ДИРЕКТОР ЖАМҒАРМАСИ ёхуд миллионер мактаб

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 20 январ, жума № 10 (2059)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## АМУДАРЁ ОСТИДАГИ МЎЪЖИЗА

***Ўзбекистон ва Россия давлатлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ва Россиянинг Тюмень вилоятидаги «Строймашсервис» компанияси ўртасида яқин ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани бу борадаги яна бир дадил қадам бўлди.***

Амударё тумани аҳолисини узлуксиз табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида дарё остидан мустаҳкам, хавфсиз саналган туннелли газ қувури ўтказиш режалаштирилди. Икки томоннинг тажрибали мутахассислари узунлиги 810 метр бўлган ушбу қувурни ётқизиш ишларини бошлаб юбордилар.



## ҲУНАРНИ АСРАБОН НЕТГУМДИР ОХИР

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида хотин-қизларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йили «Навбаҳор пахта тозалаш заводи», иккита касб-ҳунар коллежи ишга туширилди. 82 та фермер хўжалиги, 47 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Натижада 500 нафардан ортиқ хотин-қиз иш билан таъминланди.

- Туманимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бера бошлади, - дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Эржигитова. - Илгари уйда бекор ўтирган хотин-қизларимиз ҳозир бичиш-тикиш, зардўзлик, каштачилик ва тўқувчилик сирларини ўрганмоқдалар.

Соатқул Жўраев номидаги фермерлар уюшмаси ҳудудида «Насиба» кичик корхонаси ишга тушгач, 15 нафар хотин-қиз чеварлик билан шуғуллана бошлади. Зарафшон фермерлар уюшмасидаги «Аҳтам Элёр» фермер хўжалиги ҳузуридаги элита пардалари тикиш корхонасида эса 30 нафар қиз касб маҳоратини оширмоқда.

## «УМИД НИҲОЛЛАРИ» ёрқин келажак демак

Вилоят миқёсида шу йил катта шодиёналар билан нишонланиши кутилаётган Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги байрами тантаналарига ва «Умид ниҳоллари 2006» спорт мусобақаларига қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Шу кунларда шаҳардаги кўплаб спорт мажмуаларида ҳаёт қайнамоқда.

Мамлакатимизда уч тизимли спорт мусобақаларининг ўтказилиши муносабати билан барпо этилаётган спорт мажмуалари ёрқин келажакни таъминловчи ёш авлод учун – айнан шу боис, мазкур қурилаётган иншоотларнинг сифатига муҳим эътибор қаратилмоқда. Жумладан, «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари ташкил қилинадиган асосий маскан – янгидан бунёд этилаётган Олимпия заҳиралари коллежи мажмуасида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқдир. Ушбу ўрта махсус таълим муассасасининг ўқув биноси 2005-2006 ўқув йилида фойдаланишга топширилган эди. «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг очилиш ва ёпилиш маросимларининг коллежда ўтказилишининг ҳам ўзига хос маъжозий маъноси бор. Шунингдек, сузиш, қўл тўпи, бадиий гимнастика бўйича мусобақа баҳслари айнан шу ерда ўтказилиши режалаштирилган.



**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар**

*Ислоҳот мевалари*

## НУРЛИ ЙЎЛДА ОЙДИН ОРЗУЛАР

***Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз алоҳида таъкидлаганларидек, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг асосий омили ва мезони халқимиз, одамларимизнинг сиёсий савияси, ўзгариб бораётган дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга муносабати, шу муқаддас юртга эгалик ҳиссиёти тобора ортиб бораётганида намоён бўлаяпти.***

Демографик вазият бир мунча мураккаблашган Оролбўйининг Қонликўл туманида она заминга қалбини, меҳрини бериб яшаётган ризқ-рўзимиз бунёдкорлари фидойи инсонлар кўп. Уларнинг жўшқин меҳнати туфайли маҳалла ва овуллар обод ва фаровон бўлиб бораяпти. Қорақалпоқ паҳлавони Ўташ ботирнинг киндик қони томган, Ойимхон Шомуродовани қайта ҳаётга йўллаган, Марат Нурмуҳаммедов, Қобул Маҳсетов сингари илм-фан номоёндаларини камолга етказган табаррук маскан истиқлол йилларида юксалишнинг ойдин йўлига ўтиб олди.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида «Қонликўлсув тармоқлари» корхонаси фаолияти ибратли. Биргина ўтган йили истеъмолчиларга 17 миллион сўмлик хизмат кўрсатилиб, 16 та корхона, ташкилот, муассаса, 1600 дан ортиқ хонадонга оби ҳаёт етказиб берилди. Туман марказидан олисда жойлашган «Жайхун», «Олтинкўл» овулларига янги қувурлар ўрнатилиб, сифатли ичимлик суви келтирилди.

Турмуш фаровонлигини яхшилашда «Қосжап» овул фуқаролар йиғинида ибратли ишлар амалга оширилаяпти. 1146 оилага бирлашган 6800 дан ортиқ киши яшаётган ҳудудда 3 та умумтаълим мактаби, 1 та қишлоқ врачлик пункти, кўплаб савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолият кўрсатаяпти.

Аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида дурадгорлик, темирчилик цехлари очилди. Тўртта оилада якка тартибда кийим-кечак тайёрлаш йўлга қўйилди. Пахтани қайта ишлаш қурилмаси, 4 та тегирмон одамлар мушкулини осон қилаяпти. Ёрдамга муҳтож оилаларнинг табиий газ ва электр энергияси тўловлари ҳомийлар ҳисобидан қопланди. Кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришга эътибор катта. Маҳаллалар атрофи ва йўл бўйларига 7 минг туп манзарали мингга яқин мевали дарахт кўчатлари ўтказилди.

2006 йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан савобли ишларга кенг йўл очилди. 28 нафар нуроний отахон ва онахонлар, ногиронлар «Товоқсой», «Тахиатош», «Олтиариқ» санаторийларида ҳордиқ чиқариб соғлигини тиклади. «Қизил Ярим Ой» жамияти томонидан 10 та ёлғиз қарияга моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳомийлар маблағларидан ўзгалар ёрдамига муҳтож кишиларга 395 минг сўмлик кийим-кечаклар тарқатилди. Марказий шифохона, поликлиниканинг тажрибали врач ва ҳамшираларидан 30 нафари кексалар ва ногиронларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун бириктилди.

Президентимиз Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ зарар кўриб ишлайдиган паст рентабелли ширкатлар фермерликка айлантирилганлиги ижобий самара беряпти. Турдигул опа Қаймуротова тумандаги 420 нафар хусусий мулк эгаларидан бири. У 1998 йилда «Қонликўл» ширкати ҳудудидан ер олиб фермер хўжалиги тузган эди. Деҳқончилик сирларини марҳум отаси Қаймурот оғадан ўрганган, нуроний онаси Уля Тилемуротава маслаҳатларига амал қилган деҳқон фарзанди қувончли ютуқларни қўлга киритяпти. Умр йўлдоши Жаҳсилик Кошонтаев ва фарзандларининг кўмагида давлатга дон, пахта сотиш шартнома режаларини ошириб уддалаб, катта фойда олди. Ишбилармонлик, ташкилотчилик ва инсонийлик фазилатлари билан овулдошлари орасида ҳурмат қозонган Т.Қаймуротова туман кенгаши депутатлигига сайланган.

Тадбиркорликка қўл уриб, меҳнатда ўзини кўрсатган аёллардан бири Зийауар опа Омаровадир. Ёшлигидан қизиқувчан, иқтидорли қорақалпоқ аёли «Сариолтин» овулида биринчилардан бўлиб тикувчилик цехи очди. Мана тўрт йилдирки, қўлигул чеварлар тайёрлаган хотин-қизларнинг қишки ва ёзги кийимлари, миллий нақшлар билан безатилган сўзана, қуроқ кўрпачаларнинг харидорлари кўп. Тажрибали тикувчидан касб ўрганган Оқгул Беклерова, Олтиной Пирлепесова, Меҳрихон Омаровалар тайёрлаган либослар хотин-қизларга чирой бағишлаб, хонадонларини безаб турибди.

Юртбошимизнинг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг умуммиллий дастури ҳақида»ги Фармони ва республика ҳукуматининг қарорига мувофиқ тумандаги 24 та илм масканидан 7 таси капитал реконструкция қилинади. 12 таси мукаммал таъмирланиб, 2 тасида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилияпти.

Ҳудуддаги 23-мактабни илгари кўрган киши таний олмайди. Нукусдаги «Саж» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари 211 миллион сўмлик қурилиш-ускуналаш ишларини олиб бориб, кўркам бинони ўқувчилар ихтиёрига топширдилар. Бундан ташқари замонавий андозаларга мос спорт зали қуриб битказилди.

**И.ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

*Меҳнат муҳофазаси*

## КОРХОНАДА ХАВФСИЗ ИШ ЎРИНЛАРИ

***Электр энергияси узатиш тармоқлари ҳаётбахш қон томирини эслатади. Улардан тинимсиз оқаётган нур шаҳар-қишлоқларимизни чароғон қилмоқда, минглаб корхоналардаги асбоб-ускуналарни ҳаракатга келтириб, фуқаролар турмуши фаровон бўлишига хизмат қилаяпти.***

Бундай вазифани ўзларининг иши деб билган «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Қуйи Бўз-сув каскади» унитар корхонаси жамоаси вазифаларини кўнгилдагидек уддалаб келишмоқда.

Кейинги йилларда корхонада «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларидан келиб чиқиб, техника хавфсизлиги масалаларига алоҳида ёндошилмоқда. Инсон соғлиғи учун зарарли омилларни бартараф этиш ҳамда иш жойларини санитария-гигиеник жиҳатдан қониқарли бўлишини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Жароҳатларнинг олдини олишга ва ходимлар маҳоратини ошириш мақсадида ўтказилган техника хавфсизлиги умумтизим кўригида иштирок этган корхона жамоаси бунга пухта тайёргарлик кўрганлигини исботлади. Улар кўрсатилган шартлар бўйича пухта билим ва амалий тажрибага эга эканликларини яна бир бор намойиш қилиб, совринли ўринларни қўлга киритдилар.

— Барча цехларимизда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидалари ижросини назорат қилувчи масъул кишилар ишлаб турибди, — дейди корхона раҳбари Қобилжон Пиримқулов. — Амалдаги қонунга мувофиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, меҳнаткашлар соғлиғига зарар етказувчи омилларни бартараф қилиш, иш жойларининг санитария-гигиена талаблари асосида бўлиши учун чора-тадбирлар кўрилган. Ходимлар шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган. Зарарли шароитларда ишлаётганларга сут ва сут маҳсулотлари, парҳез таомлар берилади.

Бу ерда ёш мутахассис ходимлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Шу боис ҳам ташкилот ишчи-хизматчилар касб-маҳоратини тобора ошириб, меҳнат муҳофазаси ҳамда техника хавфсизлиги соҳасида юқори натижаларга эришмоқдалар. Бу эса ўз навбатида бахтсиз ҳодисалар камайиб, электр қурилмаларининг тўла қувват билан ишлашини таъминлаяпти.

Якунланган 2005 йил жамоа учун янада баракали бўлди. Ишлаб чиқариш қувватидан самарали фойдаланиш натижасида истеъмолчиларга 209 миллион 100 минг Квт/соат электр энергияси етказиб берилди. Бу бурноғи йилга нисбатан бир неча баробар кўпдир.

Айни пайтда нурчилар аҳоли хонадонларини, давлат ва жамоат корхоналарини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш учун бор куч-имкониятларини аямаяптилар.

**А.АЛЛАМУРОДОВ, «Ишонч» мухбири**

## «ВИММ-БИЛЛЬ-ДАНН» ОДИМЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида Россия Федерацияси билан ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. Мамлакатларимиз ўртасида кўплаб йўналишларда алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган ҳужжатлар бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.***

Ўзаро савдо-иқтисодий муносабатлар халқ хўжалигининг деярли барча тармоқларини қамраб олган. Юртимизда Россия сармояси иштирокида ташкил этилган 400 дан ортиқ қўшма корхона фаолият кўрсатаётир. Улар озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ҳамда ёғочни қайта ишлаш, электротехника ва машинасозлик соҳаларига ихтисослашган. Россияда ҳам Ўзбекистон сармояси иштирокида 267 қўшма корхона ишлаб турибди. Мамлакатимизда Россиянинг 82 фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Таъкидламоқ жоизки, икки томонлама иқтисодий алоқалар ривожида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2005 йил 11 апрелдаги фармони айниқса муҳим аҳамият касб этаётир. Мазкур ҳужжат юртимизда хорижлик ишбилармонлар учун янада қулай сармоявий муҳит яратиб, солиқ юкини енгиллаштирди.

Ўтган йили пойтахтимизда Россиянинг «Вимм-Билль-Данн» компаниясининг корхонаси очилгани мамлакатларимиз ўртасида самарали иқтисодий ҳамкорлик тобора кенгайиб бораётганидан далолатдир. Жорий йилдан бошлаб унда юқори сифатли сут маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошлади.

«Вимм-Билль-Данн» компаниялар гуруҳи таркибига 28 комбинат бирлашган. Юртимизда очилган янги корхона ҳам шулар жумласидан. «Вимм-Билль-Данн» сут маҳсулотлари, мева шарбатлари, болалар озиқ-овқати ва минерал сув ишлаб чиқариш бўйича МДҲдаги етакчи корхоналардан бири ҳисобланади. Унинг йиллик айланма маблағи бир миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

2004 йилда Ўзбекистон ҳукумати билан мазкур компания раҳбарияти ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзолангач, «Вимм-Билль-Данн» «Тошкентсут» очиқ акционерлик жамиятига қарашли Тошкент сут комбинати акцияларини сотиб олди. Ўтган вақт мобайнида корхонага юксак технологияли қувватлар жорий этилиб, бир кеча кундузда 100 тоннагача маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди.

Мазкур корхона мамлакатимиз аҳолисини сифатли ва арзон сут маҳсулотлари билан таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Улар маҳаллий фермер хўжаликларидан келтириладиган хомашёдан тайёрланади.

«Вимм-Билль-Данн» яқин кунларда савдо дўконларига йигирмага яқин турдаги сут маҳсулотларини чиқаришни режалаштирган.

**Н.ЎЛЖАБОЕВ, ЎзА мухбири**

### ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА МАНЗУР

Қизилтепалик тадбиркор Саъдулла Муродов Ванғози қишлоғидаги қаровсиз эски бинони таъмирлаб, ёғ ишлаб чиқарадиган завод қурди.

Завод иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ, аммо бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар аллақачон ўз харидорини топган. Хориж технологиясида олинаётган ёғ сифати истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. Йилига 20 минг тоннагача маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга заводда ёғ асосан, кунгабоқар, масхар, кунжут ва зиғирдан олинмоқда. Ўтган қисқа вақт ичида корхонада юз тоннага яқин ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилди.

## БУЮРТМА КЎПАЙМОҚДА

***«Кўқонмаш» акционерлик жамиятида янги йилдан бошлаб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури янада кўпайди. Маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритаётган корхона «ЎзДЭУавто» корхонасига бутловчи қисмлар тайёрлаб беради.***

Бу ерда қатор корхоналар билан олиб борилаётган ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Ҳозир 40 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Яқиндан бошлаб, «ЎзДЭУавто» корхонаси учун яна беш турдаги бутловчи қисмлар тайёрлаш учун шартнома тузилган.

Корхонада айни кунларда иш қизғин. Маҳаллийлаштириш дастурига кўра ўтган йилда пахтани қайта ишлаш заводлари учун 4 турда маҳсулот тайёрлаш кўзда тутилган эди. Улар буни 30 турга етказдилар. Бу ерда 2004 йилда 569 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич ўтган йилда икки баробарга кўпайди.

Корхонада 300 нафардан ортиқ ишчи меҳнат қилади. Бу ерда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, замонавий технологияларни жорий этиш ишлари бошлаб юборилди.

Тайёрланаётган маҳсулотлар сифати юқори бўлгани сабабли ҳам корхонага тушаётган буюртмалар сони тобора кўпаймоқда.

*«Ишонч» бонг уради*

## ТАЛАБАНИ КЕЧИР, ҚИШ!

***Қишнинг қилиғи қирқ турли. Гоҳо бўралаб қор ёғса, гоҳида булутлар орасидан бобо қуёш мўралаб қўяди. Изғириндан яноқлар қизаради. Қиш-барибир қиш-да. Унинг заҳри-ю қаҳри Гулистон тумани касб-ҳунар коллежи талабаларига яқиндан таниш.***

Ёшлик — ўт-оловлик даври. Орзулар қанотида чарх уришнинг гашти бошқача. Юқоридаги коллеж талабалари билан учрашганимизда бунга яна бир карра иқрор бўлдик. Қисқа даврда халқ хўжалигига тўрт мингдан ошиқ кадрлар етказиб берган таълим даргоҳи илм толибларига ҳавасимиз келди. Замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган ўқув хоналари, турли русумдаги техникалар уларнинг бекаму-кўст таҳсил олишига хизмат қилаяпти. Мулоқотлар чоғида шўх-шаддод ёшлар ётоқхоналарига бир пиёла чойга таклиф этиб қолишди. Бажонидил кўндик. Иккинчи уй деб ном олган азиз маъвога бир назар ташласак, талабалар турмуши билан танишсак, ёмон бўлмайди. Аммо подадан олдин озгина чанг чиқди. Маъмурият ётоқхонани иситишда муаммолар борлигини, аммо бунинг йўлини топганлигини қистириб ўтди.

200 ўринли талабалар уйи томон йўл оламиз. Ҳамроҳимиз коллеж директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари, бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси Тиловолди ака Мирзатоев ётоқхона ҳаёти хусусида тушунчаларимизни бойитишга интилди. Совуқ кунлар боис ҳозирда 41 нафарга яқин талабагина бу ерда истиқомат қилаётган экан. Ёзда янада гавжумлашармиш. Ивирсиган йўлакдан қизлар бўлинмаси жойлашган иккинчи қаватга кўтариламиз. «Улар дарсдан сўнг тозалашади, озодаликка навбатчилар масъул» дея изоҳ берган бўлади Тиловолди ака. Хоналарнинг бирига бекалар руҳсати билан кўз ташлаймиз. Бу ерда туманнинг олис қишлоқларидан келган талаба қизлар яшашаяпти.

Бир-бирига бақамти қўйилган учта каравот хона ўртасидан жой олган. Охори кетган кўрпа-тўшаклар. Шундоқ қўл узатса етгудек жойда қўлбола ясама электр иситгич ўрин олган. Қизларнинг эътироф этишича, ундан хонани иситишда фойдаланилар экан.

— Кечалари бир-биримизнинг пинжимизга кириб ухлаймиз, — дейди Умида Хожибобоева. — Шу боис ўриндиқларимиз бетартиб.

Хонага кўз югуртирамиз. Бурчакда 2 та электр улагич (резетка) ўрин олган. Биттаси яроқсиз ҳолатда — очиқ, шундоқ симлари чиқиб турибди. Иккинчиси эса кучланишнинг зўридан анча куйган.

— Қаҳратон кунларда совуқ еб қолмаяпсизларми, — дея талаба қизларга юзланамиз.

— Иложимиз қанча, — дейди 3-босқич талабаси Зулфия Жўраева. — Уйимиз узоқда. Қатнаб ўқишнинг сира имкони йўқ. Қиш қаҳрини енгишга ҳаракат қилаяпмиз.

Ётоқхонада истиқомат қилаётган талабаларнинг барчаси давлат стандарт кўригидан ўтмаган, хавфсизлик талабларига мутлақо жавоб бера олмайдиган қўлбола мосламалардан фойдаланиб келишаётир. Энг ачинарлиси, ундаги очиқ симларга кўзингиз тушиб, юрак увишади.

Коллеж директорига Вазирлар Маҳкамасининг куз ва қиш ойларига тайёргарлик хусусидаги қарорини эслатишга уриниб кўрдик.

— Тадбирлар ишлаб чиққанмиз, ҳаммаси Тиловолди Мирзатоевда, — деган жавобни олдик. Гапнинг очиғи ўринбосар тадбирлар режасини излаб, анча овора бўлди. Лекин тополмади.

— Қилинган ишдан гапиринг, — дедик уни хижолатдан қутқармоқчи бўлиб.

— Бу борада анча-мунча иш бажарилган, — дейди Тиловолди Мирзатоев. — Жумладан 10 та печ, труба тайёрланган. 5 тонна кўмир олиб, 14-мактабда сақлаяпмиз.

— Печлар-чи, — ўсмоқчилаб саволга ўтамиз яна.

— Печ ва трубалар омборхонада сақланаяпти, — дейди у яна. Бир оз ўйланиб тургач, қўшимча қилади. — Иситиш қозонхонамизда ҳам 5 — 6 қоп кўмирни захира қилиб қўйганмиз.

Воқеа-ҳодисалардан хабар топган ётоқхона мутасаддиси Дилфуза Мамажонова ҳам бизга учрашди. Унинг эътирофича, коллежда 2 нафар электромонтёр хизмат қиларкан. Уларнинг қай даражада вазифаларини уддалаётганини мутасаддига ётиғи билан тушунтиришга тўғри келди.

Директор ўринбосари билан иситиш қувурларига назар ташлаймиз. Асосий бинони иситиб турган қозонхона билан ётоқхона ўртасида 200 — 250 метрлар чамаси масофа бор. Ана шу йўл босиб ўтилса, олам гулистон. Коллеж барпо этилаётган чоғлари ётоқхонага қувурлар тортилган. Бироқ, аввалги қишларнинг бирида сув музлаб уларнинг муайян қисми ёрилган.

Кўриниб турибдики, ётоқхонани иситиш жиддий муаммо эмас. Фақатгина коллеж раҳбарларида қунт, ҳафсала етишмаяпти. Юқорида таъкидланган қарорлар ижроси таъминланганида, бугун гулистонлик талабалар совуқдан азият чекишмасди. Афсуски, муаммони бўрттириш, уни кимдир ҳал қилиб берадигандек қўл-қовуштириш талаба ёшларга қимматга тушаётир. Энг ачинарлиси, талабалар фойдаланаётган иситиш воситалари хавфхатарга тўла эканлиги унутилмоқда.

**Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири**

## *Республика касаба уюшма ташкилотларида*

### ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг халқаро алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Хусусан, ҳар йили Анқарада фаоллар ва ходимлардан иборат гуруҳлар ўқув семинарларида малака ошириб қайтишади. Шу даврга қадар 60 нафар киши ўқитилди. Бундан ташқари кенгаш ташаббуси билан бир неча халқаро касаба уюшмалари фаолияти бўйича семинарлар ўтказилди.

Чет эллик ҳамкасблар билан ҳамкорлик қилиш, уларнинг илғор иш тажрибаларини амалиётда қўллаш одат тусига кирмоқда. Бу борада Россия, Қозоғистон, Белоруссия, Украина, Туркия каби 20 дан зиёд давлатлар металлурглар ва машинасозлар касаба уюшмалари билан битимлар тузилган. Ҳозирги кунда ушбу йўналишда мунтазам ишлар олиб борилмоқда.

### ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА

**бошланғич ташкилотлар тикланди**

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Тошкент вилоятида 29 та ширкат тугатилиб, улар негизида фермер хўжаликлари ташкил этилди. Ҳозирги вақтда ҳар бир хўжаликдаги фермерлар сони 80 тага етди.

Бекобод тумани Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгаши ана шу ҳолатни ҳисобга олиб 6 та ширкат хўжалиги бошланғич ташкилотлари фаолиятини қайта ташкил этди ва ҳудудий бирлашган касаба уюшма қўмитасини тузди. Уларнинг таркибида цех ташкилотлари ҳамда касаба уюшма гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда.

### ОВОЗАСИ ЖАҲОНГА КЕТГАН

Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу саъй-ҳаракатларни жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари ҳам ўз амалий фаолиятлари билан қўллаб-қувватлашмоқда. Жумладан, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши тасарруфидаги бошланғич ташкилотларда бу борада кўпгина ишлар қилинмоқда. Тармоқ тасарруфида бир қанча спорт клублари мавжуд. Ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари уларда бепул шуғулланишмоқда.

Сирдарё, Тошкент, Таллимаржон иссиқлик электр станциялари, Муборак газни қайта ишлаш заводи, «Чирчиқэлектрокимёсаноат», «Фарғонаазот» акциядорлик жамиятлари каби бир қатор корхоналарнинг спортчилари яхши натижаларга эришишмоқда. Масалан, Сирдарё иссиқлик электр станцияси академик эшкак эшиш спорт клуби аъзоларидан уч нафари Хитойнинг Шанхай шаҳрида ўтказилган мусобақаларда муваффақиятли иштирок этди. «Фарғонаазот»нинг икки нафар камончилари Лондон шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон биринчилигида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди.

### ЯХШИЛИК ЯХШИ

Ўзбекистон автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг корхона-ташкилотларида маънавият ва маърифат хоналари ва бурчаклари фаолият кўрсатиб келмоқда. Бунга Тошкент шаҳрининг иккинчи ва учинчи автокомбинатлари, 2-трамвай ва троллейбус депоси, Чиноз автомобил йўллар бошқармаси, Денов автобус саройи, Уйчи автомобил йўллар бошқармаси каби бир қатор корхоналар мисол бўла олади.

Тарихий музейларни ташкил этиш «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси ва унга қарашли болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳида, Бекобод автобус саройида, Бухородаги 2533-автожамланмасида яхши йўлга қўйилган.

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш йўлида касаба уюшмалари маданий марказлар, маҳаллалар билан ҳамкорликда давра суҳбатлари ўтказди. Меҳнаткашларнинг ижтимоий ёрдам ва кўмакка муҳтож тоифаларига инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида умумхалқ байрамлари арафасида касаба уюшма ташкилотлари томонидан кам таъминланган оилаларга, болалар ва меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ўқув қуроллари, кийим-кечаклар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Н. РАФИҚОВ**

*Тадбир*



## ҲАМКОРЛИКДА ГАП КЎП

Давр касаба уюшмалари олдига замон билан ҳамқадам ҳаракат қилиш вазифасини қўймоқда. Бу борада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси IV Қурултойида қатор вазифалар белгиланган эди. Уларни амалга ошириш юзасидан барча бўғинларда қизғин саъй-ҳаракат бошлаб юборилган. Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ шаҳар бўлимлари, «Тадбиркор аёл» уюшмаси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси вакиллари иштирокида ўтказилган давра суҳбати ана шу хайрли тадбирларнинг амалий ифодаси бўлди.

Унда ечимини кутаётган масалаларни биргаликда ҳал этиш бўйича қимматли фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Айниқса, ишсизлик муаммосини бартараф этиш, аёлларнинг фаоллигини оширишга доир таклифлар катта аҳамият касб этди. Келгусида ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар режалаштирилди, вазифалар белгилаб олинди.

Бундан ташқари, касаба уюшма фаоллари ўқув машғулотида Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси масъул ходими Муқимжон Қирғизбоевнинг «Ўзбекистон миллий хавфсизлигини таъминлаш масалалари» мавзуидаги маърузаси тингланди.

**Т.ЭШТЎХТАРОВ**

## БИР ЎРИНГА БЕШ ДАЪВОГАР

***Андижон вилояти Жалақудуқ туманида ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш дастурига мувофиқ 127 та лойиҳа тайёрланди ва тендер савдосига қўйилди.***

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими мудири Абдуваҳоб Асроновнинг маълум қилишича, ўртача битта лойиҳага бештадан фермер даъвогарлик қилди. Айни пайтда умумий ер майдони 5306 гектарни ташкил қиладиган 121 та лойиҳа ўз эгасини топди. Фақат қир-адирларда жойлашган битта лойиҳага талабгор топилмади. Ушбу лойиҳа бўйича қайта танлов ўтказилди.

Чорвачиликка ихтисослашган бешта лойиҳа масаласи ким ошди савдосида ҳал этилади. Иштирокчиларнинг фикрича, танлов очиқ ва тартибли ўтди. Ушбу хўжаликларда пудратчи, бош ижарачи ва мутахассис бўлиб ишлаган деҳқонлар эндиликда фермер бўлди. Улар орасида агрокимёчи Абдусаттор Абдуҳакимов, бош ижарачилар Турғунбой Султонов, Иброҳим Ҳайдаров, Алижон Юсупов, «Қатортол» ширкат хўжалиги мироби Равшан Рисқулов, «Ўзбекистон беш йиллиги» ширкат хўжалигидан ижарачи Новоттой Абдураҳимова, Неъматжон Омонов, Шерали Муллаев ва бошқалар бор.

**(ЎзА)**

## *Бандлик дастури амалда*

## ЯРМАРКА ШАРОФАТИДАН

***Одамларни иш билан таъминлаш ижтимоий муҳофазанинг энг муҳим вазифаларидан.***

Хусусан, қарийб 300 минг нафар аҳоли истиқомат қилаётган С.Раҳимов туманида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Ана шу мақсадда туман меҳнат бўлими томонидан бир қанча тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилаётир. Жумладан, «Ёшлар дастури» тайёрланган бўлиб, унга асосан маҳаллаларда учрашувлар ташкил этилмоқда.

Ўтган йили меҳнат бўлимига 2675 нафар фуқаро мурожаат этган. Уларнинг 482 нафарига ишсизлик мақоми берилди. 34 нафари нафақага чиқарилди. 1809 нафар фуқаро эса ишга жойлаштирилди. Жамоат ишларига 111 нафар ёш ўғил-қиз жалб этилди. Тажриба ва малакасини ошириш, касбга қайта ўқитиш ишларига 345 нафар фуқаро юборилди. Умуман олганда, бултур туман меҳнат бўлими томонидан 4147 та янги иш ўринлари яратилди. Ҳозирги кунда ҳудудда 2173 та корхона, ташкилот ва муассаса фаолият кўрсатмоқда. Улардан бўш иш ўринлари бўйича мунтазам равишда маълумот олиб турилади.

Бундан ташқари, белгиланган жазо муддатини ўташдан озод этилган фуқароларга ҳам зарур кўмак бериб келинаётир. Ўтган йилда туман бўйича 126 нафар ана шундай кишилар эркин ҳаёт қучоғига қайтди. Уларнинг 38 нафари мустақил равишда ишга жойлашган бўлса, 6 нафарига бўлим томонидан амалий кўмак берилди.

Аҳолини бўш иш ўринлари билан таъминлашда ташкил этилаётган меҳнат ярмаркаларининг аҳамияти катта бўлаётир. Ўтган йил ҳудудда ўтказилган ярмаркаларда тумандаги 50 дан ортиқ корхона, ташкилот ва муассаса бўш иш ўринлари билан иштирок этишди. Жами 1233 нафар фуқародан 582 нафарига ишга йўлланма берилди. 40 нафардан ортиқ ёш ўғил-қиз эса касб тайёргарлигига юборилди. Бундан ташқари, 6 нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган бўлса, яна 604 нафар фуқарога меҳнат бўлими томонидан зарур маслаҳат берилди.

**О.ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## «КАМАЛАК» ЖИЛОСИ

Нурота туманидаги Ғозғон қишлоғи тоғ тизмаларида жойлашган «Камалак» шўъба корхонаси мармар харсанглари етказиб берадиган корхоналардан бири. Ўтган йилнинг охирларида Россиядан тоғ жинсларини қазиб олишда ишлатиладиган асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилгач, бу ерда иш унумдорлиги беш баравар ортди.

Ҳозирги кунда корхонада ҳар ойда 400-500 кубометргача мармар харсанг тошлари қазиб олинмоқда. Ишчилар сони янги йилдан 60 нафарга етди. Корхонада буюртмачилар талабига асосан, қора, оқ, қизил ва кўк мармартошлар тайёрланмоқда. Бу маҳсулотлар мамлакатимизнинг бир қатор қайта ишлаш корхоналарига жўнатилмоқда.

Жорий йилда корхонада 100 миллион сўмлик мармар харсанглари қазиб олиш ва буюртмачиларга етказиб бериш режалаштирилган.

## *Излаган имкон топар*

## ЕР ТАҚДИРИ – ЭЛ ТАҚДИРИ

***Бу йил Сурхондарё вилоятида 39 та ширкат хўжалиги фермерликка ўтказилиши белгилаб берилган. Бошқача айтганда, тугатилажак ширкатлар негизида 1926 та фермер хўжалиги ташкил этиш мўлжалланган.***

Узун Сурхон воҳасининг энг чекка чегара туманларидан ҳисобланади. Жами деҳқончилик учун ажратилган ер майдони 10971 гектар бўлиб, суғориладиган далаларнинг асосий қисмига сув насослар орқали етказилади. Айрим жойларга насосларни уч бора кўтаришга тўғри келади. Бу эса ортиқча харажатни келтириб чиқаради. Жорий йилда ана шундай суғориладиган «Серҳаракат» ва Ж.Эшмирзаев номли ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар ихтиёридаги 1461 гектар ерни фермерларга тендер орқали бериш режалаштирилган.

– Ҳозирданоқ танлов ўтказиш ишлари қизғин олиб борилмоқда, – дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Бўри Тошбоев. – Хатога йўл қўйиш мумкин эмас. Чунки ер тақдири – эл тақдири. Тугатилган ширкатлар негизида юзга яқин фермер хўжалиги ташкил этиш мўлжалланаяпти. Талабгорлар эса кўпчиликни ташкил этади. Кўриниб турибдики, рақобат кучли бўлади.

Ўтган йили туман миришкорлари давлатга ғалла ва пахта сотиш режасини ортиғи билан бажаришди. Бу ютуқларда фермерларнинг ҳиссаси катта бўлди. Айни пайтда туманда бешта фермерлар уюшмаси фаолият юритмоқда. Улар атрофида 684 та тадбиркорлар бирлашган. Деҳқончилик учун ажратилган 5128 гектар сувли ер уларга тегишли. Бу эса жами суғориладиган майдоннинг тенг ярмини ташкил этади. Бугун фермерлик ҳаракати ўзини оқламоқда. Уларнинг самарали меҳнати туфайли пахтадан ўртача 40-45 центнердан, ғалладан эса 60-70 центнердан ҳосил йиғиштирилди. Шунга яраша даромад ҳам кўпайиб бормоқда.

«Ер билан тиллашадиган» тадбиркорлар сони туманда кўплаб топилади. «Асадбек», «Шодигул-Эдигул» ва «Зулфия – момо» фермер хўжаликлари ана шулар сирасидан. Улар кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож хонадонларга моддий ёрдам кўрсатиш ва мактабларга ҳомийлик қилиш, якка-ёлғизлар ҳолидан хабар олишни ўзларининг бурчлари деб билишади.

Бироқ туманда аграр соҳанинг чорвачилик, паррандачилик ва боғдорчилик тармоқлари ҳанузгача ривожланмай келмоқда. Туман статистика бўлимининг маълумотларига таяниб, таҳлил қилиб кўрсак, аҳвол янада ойдинлашади. Масалан, ўтган йили туманда бор-йўғи 10 гектар полиз, 167 гектар сабзавот, 5 гектар картошка экилган. 141 гектар токзорлардан 150 тонна узум олинган. Бу ҳар гектаридан 10,6 центнердан ҳосил кўтарилганлигини кўрсатади.

Мева етиштириш бундан-да паст даражада. 720 гектар боғлардан 2053 тонна маҳсулот етиштирилган. Бу эса туман мутасаддилари соҳада яқинда эълон қилинган «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармондан келиб чиқиб иш юритишларини тақозо этади. Энг ачинарлиси, туманда бор-йўғи 2 та фермер хўжалиги паррандачилик билан шуғулланади. Уларда 10200 дона товуқ боқилади. Бир йилда 468 минг дона тухум ишлаб чиқарилган. Туман аҳолисини 131 мингдан ошиқроқ деб ҳисобласак, соҳа мақтовга арзигулик аҳволда эмас. Хўжаликларда чорва туёғи йилдан йилга камайиб бормоқда. Бугунги кунга келиб 191 бош қорамол, 7200 та қўй ва эчкилар ширкат хўжаликларида, фермерлар ҳисобида эса 3640 бош қорамол, 7 мингта майда туёқли моллар қолган холос. Озуқабоп экинлар учун ҳам жуда кам – 335 гектар ер ажратилган.

**Т.ЖАЛИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## КАЙКОВУСГА ГАЗ КЕЛДИ



Наманган туманидаги «Ўзбекистон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Кайковус қишлоғи аҳолиси қиш забтига олган айни кунларда ўтин-кўмир ташвишидан холи ҳолда яшаётганлари учун шукроналар айтишмоқда. Сабаби бу қишлоққа марказлашган маблағ ҳисобидан 3,8 км юқори ва ўрта босимли газ тармоқлари тортилди. Худди шунингдек, куз ва қиш мавсуми давомида газ таъминотидаги узилишлар бўлиши натижасида фуқаролар эътирозига сабаб бўлган. Оқбулоқ ва Қирғизқўрғон қишлоқларида ҳам аҳвол тубдан яхшиланди. «Намангантумангаз» ходимлари томонидан ўтган йилнинг 1-чорагидаёқ марказлашган маблағ ҳисобидан 3.7 км юқори босимли газ тармоқлари қурилиб фойдаланишга топширилди.



И.ХАСАНОВ олган суратлар

Туманнинг бошқа аҳоли пунктларида истеъмолчиларга газ етказиб беришни яхшилаш мақсадида ҳаммаси бўлиб 14 километрлик газ тармоқлари қурилиб ишга туширилди.

«Намангантумангаз» газ тўловларини яхшилашда ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда. Айниқса, 16 мингга яқин хонадонга газ ҳисоблагичлар ўрнатилгани иш сифатини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда.

**С.АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

## ОРТИҚЧА ХАРАЖАТГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

Хўжайли туманида пахтачилик билан шуғулланадиган 700 дан зиёд фермернинг аксарияти ўтган йили шартнома мажбуриятини ортиғи билан адо этди. Ҳозир фермерларга етиштирган ҳосилига яраша ўсимлик ёғи, чорва озуқаси тарқатиляпти. Бу борада «Турон» акционерлик жамиятининг жойларда махсус шохобчалар ташкил этгани фермерларга қўл келаётир.

Ҳамза номидаги фермер хўжаликлари бирлашмаси ҳудудида очилган ана шундай шохобчалардан бири тумандаги 175 та фермер хўжалигига хизмат кўрсатмоқда.

- Илгарилари ўзимизга тегишли маҳсулотларни олиш учун туман марказига қатнар эдик, - дейди «Озодлик» фермер хўжаликлари бирлашмаси фермери Мурод Ҳайтбоев. - Қанча вақт, пул йўқотардик. Ёнгинамизда шохобча иш бошлаганидан кейин вақтимиз ҳам тежаладиган бўлди, ортиқча харажатга ҳам ҳожат қолмади.

**(ЎзА)**

## *Ўзингни эр билсанг...*

## ТАДБИРКОРНИНГ ЗЎРАВОНЛИГИ ЎТМАДИ

### рўзномалар сотувидаги муаммолар ҳокимлик ва прокурор аралашуви билан ечимини топди

***Муножотхон Маматқулова 2005 йил 28 ноябр куни иш жойига келиб ҳайрон бўлди. Қўрғонтепа деҳқон бозори дарвозаси қаршисидаги ўзига қарашли рўзномалар дўкони анча нарига суриб ташланганди. Ичкарига кириб баттар ҳайрати ошди. Сотувга қўйилган рўзномалар, канцелярия моллари – қалам, дафтар, иш папкалари, ручкалар полда сочилиб ётарди. Дўконни кўзғатиш пайтида фанер деворлар, том қисми анча шикастланганлиги кўриниб турарди.***

Бу зўравонлик қўшни хусусий дўкон эгаси Муҳаммаджон Раҳмонов томонидан содир этилганлигини Муножотхон пайқади. Сабаб, савдо-сотиққа тўғаноқ бўляпсан, харидорларни чалғитяпсан, деган баҳона билан Муҳаммаджон кўпдан буён қўшнисининг кўзини очирмаётганди. Ўшанда ҳокимлик уларни муросага келтириб, рўзномалар дўконини ўз ўрнида фаолият юритишига кўмаклашганини Муножотхон яхши эслайди. Бироқ М.Раҳмонов ўз билганидан қолмади.

Маълумки, оммавий-ахборот воситаларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги мавқеи катта. Юртбошимиз матбуот ходимларининг касб байрамлари муносабати билан йўллаган табригида оммавий ахборот воситалари демократия ва янгиланишлар, ислоҳотларнинг жўшқин жарчиси, сафарбар қилувчи куч, мураббий эканлиги эътироф этилганида чуқур маъно бор. Шундай экан, ушбу хизматдан халқимизни баҳраманд қилиш, нашрларнинг тарқалишига, ҳар бир хонадонга етиб боришига ғов-тўсиқ қўйиш эмас, аксинча кўмаклашиш, кенг имкониятлар яратиш бирламчи вазифа бўлиши ўз-ўзидан равшан.

– Умуман бозор маъмурияти билан рўзномалар дўкони ўртасидаги можаро икки йилдан буён давом этиб келади, – дейди туман матбуот тарқатувчилар уюшмаси бошлиғи Иродахон Охунова. — Шу муддат мобайнида хусусий дўкон эгаларининг зўравонлиги билан бир неча бор жой ўзгартирилди. Холбуки, М.Маматқулова сотувчилик қилаётган дўконда 15-20 номдаги вақтли матбуот нашрлари билан кунига 50 минг сўмлик рўзномалар сотувга чиқарилиши режалаштирилган. Бу кунига шунча миқдорда нақд пул тушуми банкка кирим бўлади, дегани.

Уюшма бошлиғининг ташвишида жон бор. Айни кунларда жамоага қарашли 8 та рўзномалар дўкони аҳолига матбуот хизмати кўрсатиб келмоқда. Уларнинг беминнат ёрдами билан кўплаб вақтли матбуот нашрлари аҳолига тарқатилмоқда. Жумладан, кунига 500 та рўзнома сотувга чиқарилмоқда. Ойига 1,5 миллион сўм атрофида нақд пул банкларга кирим бўлаётир. Арғамчига қил қувват деганларидек, натижада туманда пенсия, нафақа ва унга тенглаштирилган ижтимоий тўловларнинг узлуксизлиги таъминланмоқда. Бу халқимиз оммавий ахборот воситалар орқали, ҳаётимиздаги ислоҳотларни ҳайрихоҳлик билан кузатаётганлигини, энг муҳими фуқароларнинг маданий-маънавий-маърифий дунёқараши теранлашиб бораётганлиги нишонасидир.

Нодавлат, нотижорат ташкилотларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонун билан қўриқланмоқда. Буни яхши билган уюшма етакчиси И.Охунова, сотувчи М.Маматқуловалар хусусий дўкон эгаси М.Раҳмоновнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари ҳақида туман прокуратурасига шикоят қилдилар. Ҳақли талаб дарҳол назоратга олинди. Прокурор ёрдамчиси Рустамжон Мадазимов бошлиқ гуруҳ ишга киришди.

Вазирлар Маҳкамасининг вақтли матбуотни тарқатиш корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш тўғрисидаги 1999 йил 13 сентябр қарорининг ижроси бажарилиши юзасидан суриштирув ишлари бошлаб юборилди. Туман ҳокимлигининг ушбу қарор йўналишида 2005 йил 26 январда тасдиқланган рўзнома дўконларини жойлаштириш тўғрисидаги дислокацияси маълумот учун қабул қилинди. Унда юқоридаги қарордан келиб чиқилган ҳолда «Матбуот киоскаларини одамлар гавжум жойларда, жамоат жойларида жойлаштириш» тартибига амал қилинганлиги қайд этилди.

Хусусий дўкон эгаси М.Раҳмонов томонидан тадбиркор М.Маматқулованинг ҳуқуқ ва манфаатлари қўпол равишда бузилганлиги, шу билан бирга унга моддий зарар етказилганлиги суриштирув жараёнида аниқланди. М.Раҳмонов туман ички ишлар бўлимининг деҳқон бозори ҳудудидаги участка нозирлигига таклиф этилди. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун талабларини бузганлиги учун огоҳлантирилди, ҳамда маъмурий жазо қўлланилиб, М.Маматқуловага етказилган моддий зарар ихтиёрий равишда қопланди.

Халқ нақлларида айтилганидек, «Олдин ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ!», – дейдилар. М. Раҳмоновнинг ҳуқуқбузарлиги, афсуски, биринчи марта эмас. Қўрғонтепа туман давлат солиқ инспекциясининг тезкор маълумотларига қараганда, 2004 йил 8 апрел куни ўтказилган режали текширишда озиқ-овқат ва тамаки маҳсулотларини сифат сертификатисиз ҳамда акциз маркаларсиз сотаётганда қўлга тушиб юзи шувут бўлган. Қонунга хилоф ушбу кирдикорлари учун 572 минг 250 сўмлик жаримага тортилиб, иши судга оширилган.

Тадбиркорлик субъектларининг мавқеини ошириш, ҳуқуқий муҳофаза қилишни кўпайтириш тўғрисидаги Юртбошимизнинг 2005 йил июл ойидаги Фармонлари, ҳукумат қарорларида тизимда қонун меъёрларига риоя этилишини таъминлаш алоҳида таъкидланган. Яқинда солиқ идораси масъул кишилари билан биргаликда М.Раҳмонов билан танишдик. Рўзномалар дўкони билан хусусий савдо шохобчаси ораси қўл узатса етгудек бирбирига яқин жойлашган. Иккисида ҳам савдо-сотиқ гавжум.

Бироқ, М.Раҳмоновнинг савдо-сотиқ ишларидан кўнгли тўлмади. Бу ерда экология-санитария, солиқ қонунчилиги ҳали-ҳануз бузилаётганлиги бизни ажаблантирди. Гўшт, қандолат ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ташқарида, шундоққина йўл устида сотилаётган эди. Йўловчилар оёғидан кўтарилаётган гард-чанг, харидорлар соғлиғи сотувчини ташвишга солмаётганди. Дўкондаги назорат-касса машинаси гоҳ ишлаб, гоҳ ишламай турганини қандай изоҳлашни ҳам билмай қолдик.

Дўст ачитиб гапиради, дейдилар. Туманда маънавий-маърифий соҳанинг оқсоқлиги кўпчиликни ташвишлантираётгани бор гап. Айниқса, китоб дўконлари тугатилиб, уларнинг ўрни савдога бўшатиб берилаётганлиги кўпчиликни ажаблантирмоқда.

**С.РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**




# ДИРЕКТОР ЖАМҒАРМАСИ

## ёхуд миллионер мактаб

***Ўқитувчиларнинг масъулиятли меҳнати ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш ҳамиша диққат-эътиборда бўлиб келган. Истеъдодли, ўз касбига содиқ умумтаълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатига ҳақ тўлашнинг сифат жиҳатидан янги механизмини жорий этиш, ўсиб келаётган авлодни уйғун камол топтириш йўлида уларнинг масъулиятини кучайтириш ва шахсий ҳиссасини ошириш мақсадида давлатимиз томонидан бир қатор ишлар қилинмоқда.***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори педагог ходимларни руҳлантириб юборди. Дўстлик туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабида амалга оширилаётган ишлар ҳар жиҳатдан ибратлидир. Айниқса, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ҳамда спорт соҳасида эришилаётган ютуқлар мақтовга сазовор. Бозор шароити уларни изланишга, бюджетдан ташқари қўшимча маблағ топишга, шу орқали таълимни ривожлантиришга ундамоқда.



Мана ўн йилдирки, мактаб жамоаси ўз ёрдамчи хўжалигига эга. Ҳар йили пахта, ғалла экиб, юқори ҳосил етиштириб келаяпти. Натижада йилдан йилга даромад кўпайиб бормоқда. Бу эса мактабни таъмирлаш, ўқитувчи ва ўқувчиларни моддий рағбатлантиришда асқотаяпти. Ўқитувчиларга ҳар йили сиҳатгоҳларда даволанишлари учун бепул йўлланма ажратилмоқда. Кам таъминланган оилалар фарзандлари бепул дарсликлар, кийим-бош, спорт кийимлари билан таъминланаяпти. Мусобақа ва тўгарак қатнашчиларига ҳам бепул спорт кийимлари ва анжомлари олиб берилди.

Биргина 2005 йили мавжуд 20 гектар майдоннинг 10 гектарида ғалла етиштирилиб, 30 тонна дон давлатга сотилди. 900 минг сўм соф фойда кўрилди. 9,2 гектар ерда пахта етиштирилиб, давлатга режадаги 27 тонна ўрнига 29 тонна пахта етказиб берилди. Пахтанинг ўзидан 2 миллион сўм соф фойда олинди. 150 минг сўмга саёҳат уюштирилди. 300 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 400 минг сўмлик турли жиҳозлар сотиб олинди. Шунингдек, мактаб эҳтиёжи учун 61 минг сўмлик бадиий адабиётлар, услубий қўлланмалар, 6 та видеожуфтлик харид қилинди.

— Биз халқ таълими ходимларига катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда, — дейди мактаб раҳбари Мурод Нурқобилов. — Кейинги чиқарилган қарор айни дилимиздаги иш бўлди. Директор жамғармасининг ташкил этилиши яхши самара беради, деб ўйлайман. Тўғри, жамоамиз анча йиллардан бери қўшимча маблағ топиш имкониятига эга. Бироқ уни сарфлашда анча қийналардик. Текшир-текширлар кўп бўларди. Менимча, биз раҳбарларга тадбиркорлик қилишда йўл очилди. Тажрибамдан келиб чиқиб айта оламанки, эндиликда жамғарма муваффақиятлар омили бўлади.

Айни пайтда мактабда 612 нафар бола таълим-тарбия олмоқда. Уларга 38 нафар педагог сабоқ бераётир. «2004 — 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» асосида ўтган йили мактаб капитал реконструкция қилинди. «Олтин товус» фирмаси қурувчилари 55 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини олиб боришди. Ўқувчилар кенг ва ёруғ синф хоналарида худди шаҳар мактабларидагидек шароитда ўқишмоқда. Ҳозиргача 30 миллион сўмлик жиҳозлар олиб келинди. Кутубхона, лингафон, ошхона, маънавий ва маърифий хоналар жиҳозланди. Шунингдек, 9 комплект компьютер ўқувчилар ихтиёрига берилди. Нусха кўчириш, компьютер хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди.

Мактаб 1993 ва 1997 йилларда республика «Йил мактаби» кўригида муваффақиятли иштирок этди. 1997 йили вилоят ҳокимлиги томонидан таъсис этилган «Маърифат машъали» мукофотига сазовор бўлди. 2002 йилда ўқувчилар ўртасида ўтказилган «Қувноқ стартлар» республика телемусобақаси ғолиби бўлди. Шунингдек, «Санъат ғунчалари» кўрик-танлови вилоят босқичининг барча йўналишлари бўйича ҳар йили ғолиблик қилиб келмоқда. «Энг намунали касб-ҳунарга йўналтириш» ва «Психологик-педагогик ташхис хизмати» кўрик-танловининг республика босқичида мактаб жамоаси фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Билим масканида жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Спорт зали, футбол майдони, волейбол, баскетбол майдончалари мавжуд. Айниқса, оғир атлетика билан шуғулланиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Мактабнинг собиқ битирувчилари Абдулла Қорабоев самбо, Шокир Қурбонов миллий кураш бўйича республика чемпионлари бўлишган. Абдулла Қуванов ўқувчилар ўртасида ўтказилган республика «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида иштирок этиб, олтин медал соҳиби бўлди. Волейбол, енгил атлетика, футбол, шахмат-шашка турлари яхши ривожланмоқда. Спорт бўйича 9 та тўгарак ташкил этилиб, уларга 130 нафар ўқувчи жалб этилган.

— Мактабимиз капитал реконструкциядан сўнг ўзгача кўриниш олди. Айниқса, 2 та спорт залининг қурилиши ва жиҳозланиши, қизлар, ўғил болалар, жисмоний тарбия ўқитувчилари учун алоҳида-алоҳида ечиниш ва кийиниш, ювиниш хоналарининг ташкил этилиши қувончли ҳол бўлди, — дея суҳбатни давом эттиради жисмоний тарбия ўқитувчиси Абдимутал Ҳусанов.

Бундай эзгу ва хайрли ишларнинг бошида мактаб директори, халқ маорифи аълочиси Мурод Нурқобилов турибди. Фидойи раҳбарнинг ниятлари ҳали бисёр.

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**
**Суратларда: мактаб ҳаётидан лавҳалар.**

# МОҲИР МЎЙҚАЛАМ УСТАСИ

*Салоҳият*

Таниқли мўйқалам устаси, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Рафаэл Тоқтош ўзининг кўп йиллик ижодий фаолияти давомида талайгина картиналар яратди. У Ўзбекистон бадиий академиясининг академиги сифатида ҳам ўз ижодий салоҳиётини намоён этмоқда.

Кўзга кўринган рассом таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан уюштирилган тадбир қизиқарли ўтди. Юбилярни ҳамкасблари муборак этишди. Шуни мамнуният билан айтиб ўтиш жоизки, рассомнинг сувбўёқда яратган асарларидан айримлари Москвадаги Бахрушин номидаги театр музейидан ўрин олди.

Бугунги кунда унинг қатор ижод намуналарини Нукус ва Қўқон музейларида ҳам учратиш мумкин.

**А.АЛИЕВ**

# ОРЗУЛИ ДУНЁ

***2006 йилда Ўзбекистонлик енгил атлетикачилар Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионати ҳамда бир қатор халқаро турнирларда иштирок этишадики, бу уларга катта масъулият юклайди.***

Айни пайтда терма жамоа аъзолари мазкур беллашувларнинг дастлабкиси, Москвада бошланадиган Гран-при таснифидаги йирик халқаро мусобақага тайёргарлик кўришмоқда. Ушбу нуфузли мусобақада иштирок этиш ҳуқуқини уч хатлаб сакраш бўйича Анастасия Журавлёва қўлга киритган. У 2005 йили Гран-при туркумига кирувчи бир неча турнирларда ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди. Шунингдек терма жамоа сафига ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпиони Леонид Андреев ҳам жалб этилган. Бир неча халқаро турнирлар ва Осиё чемпионатида юқори кўрсаткичга эришган яна бир юртдошимиз Гўзал Хабибова ҳам Москвада ўтказиладиган нуфузли турнирга йўл олади. У 60 метрга югуриш мусобақаларида ўз омадини синаб кўради. Юртдошларимиз март ойида ёпиқ спорт мажмуаларида ўтадиган жаҳон чемпионати олдидан Греция, Германия, Франциядаги мусобақаларда ҳам куч синашишади. Баҳслар кескин бўлиши шубҳасиз.

**"Туркистон-пресс"**

*Умр мазмуни*

# ТИЛИ ДУОДА ҚАРИЯЛАР

## талабалар билан учрашди

***Тахиатош гидроэлектр станцияси Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини нур билан таъминлайди. Ушбу шаҳарда катта дон комбинати, ўнлаб қурилиш ташкилотлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди.***

Дов-дарахтларга тўла хиёбонлар бағрида жойлашган уч қаватли иморат нафақат шаҳар, балки Оролбўйидаги энг кўркам бинолардан бири. Ҳозирги замон архитектураси ва Шарқ меъморчилиги уйғунлашган ҳолда қурилган кошона олисдан кўзга ташланади. У – сиҳатгоҳ.

Бу ерга даво излаб келган қариялар юзидаги мамнунлик, бир-бирига меҳр-оқибат туйғуларини кўриб, қувончимизга қувонч қўшилди.

– Фахрийлар тўғрисида чексиз ғамхўрлик кўрсатилаётганлигидан беҳад мамнунмиз, – дейди Беруний туманидан Отажон бобо Қўчқоров. – Шифокорларнинг ширин муомаласининг ўзиёқ дардларимизга малҳам бўлаяпти.

– Бизларга намунали хизмат кўрсатаётганларнинг умри зиёда бўлсин, – суҳбатни давом эттиради Сарибий овуллик Азамат ота Мавлонов. – Қисқа муддатда малакали врач ва ҳамширалар томонидан муолажалар олиб, оилам бағрига соғ-саломат қайтмоқдаман. Шифокорларнинг қўли дард кўрмасин.

Сиҳатгоҳда дам олувчилар учун барча қулайликлар муҳайё этилган. Сув ва игна билан даволаш, парафин, уқалаш, ингаляция, физиотерапия муолажалари йўлга қўйилган. Қўли ширин ошпазларнинг мазали таомлари барчага бирдек хуш ёқмоқда. Дам олиш масканида телевизор кўриб, ҳордиқ чиқарилса, маънавият ва маърифат хонасида газета ва журналларнинг янги сонлари билан танишиш мумкин. Гулсара Норбоева мудирлик қилаётган кутубхона ҳамиша дам олувчилар билан гавжум.

Тажрибали врач Жумагул Алиева раҳбарлигида элликдан ортиқ шифокорлар ўзларининг меҳрибонликлари, қулай ва фойдали усуллари билан қариялар соғлигини яхшиланишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

– Одамларга эзгулик ва меҳр-оқибат улашадиган ҳомийлик ҳам, кишилар саломатлигини тиклаб уларга бардамлик бағишлайдиган шифокорлик ҳам бир-бири билан узвий боғланиб кетган, – дейди биз билан суҳбатда бош врач Г.Алиева. – Эл-юртимиз равнақи йўлида беминнат хизмат қилган фахрийлар қалбига хушнудлик бахш этаётганлигимиздан фахрланамиз.

Сиҳатгоҳда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" доирасида тегишли дастур ишлаб чиқилган. Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, йирик корхона ва ташкилотлар қариялар масканининг гўзал ва обод бўлиши, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар, дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши учун яқиндан кўмаклашмоқдалар. Нукус, Хива, Бухоро каби тарихий жойларга саёҳатлар, хайрия концертлари уюштирилади. Байрамлар тўкин дастурхон атрофида нишонланади.

Даволаш-профилактика ишларини амалга оширишда катта ҳамшира Фотима Қунниёзова, шифокорлар Фазилат Машарипова, Дилором Шовкумова, Замира Қўчқорова, Жиғагул Патуллаева сингари фидойи ходимларнинг намунали хизматидан даволанувчилар хушнуд бўлишаяпти.

Яқинда қариялардан бир гуруҳи Тахиатош шаҳар энергетика касб-ҳунар коллежи талабалари билан учрашдилар. "Ватан – саждагоҳ каби муқаддасдир" мавзусида ўтган мулоқотда она юртга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг ҳар қарич тупроғини кўз қорачиғидек асраш, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш хусусида фикр юритилди. Уруш ва меҳнат фахрийларининг хотиралари йигит-қизларда катта таассурот қолдирди. Бундай учрашувлар маҳалла ва мактабларда ҳам ўтказилди.

**И.ҚАРШИЕВ**




*Фигурали учиш*

## ДАЪВОГАР КЎП, СОВРИН УЧТА



Европа чемпионатида дастлабки ғолиблар номи маълум бўлди. Францияда ўтаётган баҳсларда жуфтликлар эркин дастур бўйича ўз маҳоратларини кўрикдан ўтказдилар. Қисқа дастур ижроси кимнинг ким эканлигини кўрсатиб қўйди. Россия дуэти – Татьяна Тотьмянина ва Максим Маринин ҳамда асли келиб чиқиши россиялик, лекин айни вақтда Германия вакили сифатида музликка чиққан Алёна Савченко ва Робин Шалков асосий даъвогарлар эканликларига ҳеч кимда шубҳа қолмади.

Ҳаммаси кутилганидек бўлди. Тотьмянина ва Маринин жуфтлиги олтин медални қўлга киритишди. Бу уларнинг қишки Олимпиадага пухта тайёргарлик билан келаётганликларини яна бир бор тасдиқдан ўтказди. Дарвоқе, Олег Васильев мураббийлик қилаётган жуфтлик беш йилдирки, ташаббусни қўлда сақлаб турибди.

*Бокс*

## ВАЛУЕВ НОКАУТГА УЧРАЙДИМИ?



WBA йўналиши бўйича ўта оғир вазнда жаҳон чемпиони Николай Валуевнинг «қонини ичмоқчи бўлган» боксчилар тобора кўпайиб бормоқда. Уларнинг сафига Дэваррил Вильямсон қўшилди. У 1 апрелга режалаштирилган жангда шунчаки ғалаба қозониш тўғрисида эмас, Валуевни ер билан яксон қилиш хусусида оламга жар солишни бошлаб юборди.

– Николай, мен албатта Германияга бораман ва сен билан жангга киришаман, - дея рақибига матбуот орқали пўписа қилди у. – Жанг сенинг нокаутга учрашингу менинг соф ғалабам билан якун топади.

Вильямсон бу билангина чекланиб қолмай, олтин камар соҳибига айлангач, исталган даъвогар билан беллашишга ҳозир эканлигини ҳам билдириб қўйди.




*Футбол*

## ИНЖИҚЛИК

Хабарингиз бор, Москвада айни кунларда МДҲ мамлакатлари чемпиони иштирокида анъанавий турнир давом этмоқда. У биринчи марта ФИФА мундарижасига киритилиб, нуфузли мусобақа мақомини олди.



Арманистон чемпиони «Пюник» ҳам бошқа клублар қатори ушбу турнирда қатнашмоқда. Ҳатто, чорак финалда Донецкнинг «Шахтёр» жамоасини доғда қолдириб, мусобақага ҳар қачонгидан яхши ҳозирлик кўриб келганлигини намойиш этди. Лекин ярим финалда рақиби Бокунинг «Нефтчи» клуби эканлигини билгач, ўйиндан бош тортиш ҳақида бир тўхтамга келинганини эълон қилди.

Табиийки, бу ҳурмача қилиқ турнир ташкилотчиларини ташвишга солиб қўйди. Нима қилиш керак? Агар «Пюник» ўз шаҳдидан қайтмайдиган бўлса, жазо қўлланиладими? Маълумотларга қараганда, ҳа. Бошқача айтганда, «Пюник» ушбу турнирга келгусида таклиф қилинмаслиги мумкин.

*Теннис*

## ГЎЗАЛЛАР БАҲСИ

Россиялик ракетка устаси Мария Шарапова Австралия очиқ чемпионатининг учинчи турида америкалик Эшли Харклроудни осонликча мағлуб этди. Оёғи бироз лат еганини ҳисобга олмаганда, унинг кайфиятини чоғ, деб айтиш мумкин.



Бунинг сабаби бор, албатта. Гарчанд Эшли ҳозир жаҳон рейтингида юзинчи ўриндан қуйида жойлашганига қарамай, теннисчилар орасида ўзининг соҳибжамоллиги билан донғи кетган Анна Курникованинг ворисларидан бири сифатида анча таниқли эди. Биласиз, Мария ҳам ҳуснда ҳеч кимдан қолишмайди.

Шундай қилиб, икки ворис ўртасидаги баҳсда россияликлар вакили ютиб чиқди. Бу эса шак-шубҳасиз, сураткашларни ўз фотоаппаратларини М.Шарапова томон тўғрилашга мажбур этди.

**М.ИБРОҲИМОВ**
**тайёрлади**

## УЙ-МУЗЕЙДА КЎРГАЗМА

Атоқли бастакор ва моҳир дирижёр Мухтор Ашрафий ўзбек миллий мусиқа санъатига муносиб ижодий ҳиссасини қўшган ижодкор ҳисобланади. Унинг симфоник асарлари, опера ва балетлари мухлислар эътиборини ўзига қаратиб келмоқда.

Ана шу улкан санъаткор номи билан аталаётган уй-музейда очилган кўргазма бастакор ижодининг қатор қирраларини акс эттирувчи экспонатлардан ташкил топди.

Бу экспозицияда Ашрафийнинг «Дилором», «Рустам ҳақида достон» каби саҳна асарлари учун яратилган либослар намуналари ҳам ўрин олди.

Шунингдек, бу ерда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театрида саҳналаштирилган қатор постановкалар роллари учун тикилган либослар ҳам намойиш қилинди.



*Алҳазар!*

# ТИМСОҲ ЙИҒИСИ

***Бармоқ билан санарли бўлса-да, орамизда шундай нусхалар борки, уларнинг тутган йўли, хатти-ҳаракатлари сира-сира одам боласига хос эмас. Улар ор-номус, меҳр-шафқат, раҳмдиллик сингари инсоний фазилатларни тан олмайдилар ёки тушунмайдилар. Уйчи туманида туғилган Бозорбой Турғунов ана шундайлардан бўлиб чиқди.***

Одатда қайсидир фуқаронинг таржимаи ҳолига назар ташланса, унинг қаердадир иши ёки ишлашидан у ёки бу маънода эл-юртга наф келтирган ёки келтираётганлигидан хабар топамиз.

Мақоламиз «қаҳрамони» Б.Турғуновга нисбатан, асло бундай деб бўлмайди. Ўзининг 55 ёшлик умри давомида олти марта судланган ёки 30 йилга яқин қамоққа ҳукм қилинган. Бошқача айтганда, ёлчитиб ишлашга ҳам «вақти» бўлмаган.

Халқимизда бўладиган инсон ўн олтида бошман, дейди, бўлмайдигани йигирмада ёшман, дейди қабилида нақл бор. Бозор ҳам ўн тўққиз ёшидаёқ жиноятга қўл урди ва уч йилга қамалди. Ёшликда бир адашибди-да, ўзини ўнглаб олар, дейишди. Лекин бунинг акси бўлиб чиқди. Бозор «у ёқда» янада пишиб етилди. Сал ўтмай янгидан жиноят содир этиб, икки йилга «кесилди». Хуллас, шу тариқа тобора каттароқ ва жиддийроқ жиноятлар содир этишда давом этди. Умуман, биз қаламга олмоқчи бўлган сўнгги жиноятга қўл ургунча олти марта судланиб улгурди. Бу даврда қанчадан-қанча бечораларнинг пешона тер билан топганига кўз олайтирди. Давлат мулкига зиён етказди, кишилар соғлигига путур етказиб, қанча-қанча одамни бахти қаро қилди. Ҳатто ногиронларни ҳам аяб ўтирмади.

Охирги марта қамоқдан чиққанида қариндош-уруғлар, маҳалла оқсоқоллари олдида кўз ёши тўкиб тавбасига таянганлигини, энди «ёши ўтиб қолиб» ҳалол яшашга қарор қилганлигини билдирди. Унга ишонишди, қўллаб-қувватлашди, ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак кўрсатишди, ҳатто, тавбаси рост чиқар, ўзини ўнглаб олгандир, дея яна уйлантириб қўйишди.

Бозорнинг тавба-тазарруси ва кўз ёшлари ўлжасини еб бўлгач «йиғлайдиган» тимсоҳники каби сохта бўлиб чиқди. Янги умр йўлдоши қариндоши ҳисобланган Фотима Йўлдашевага ҳам дастлабки кунлардаёқ зулм ўтказишга бошлади. Уриб-сўкиш, бетиним калтаклаш, қаламга олиб бўлмайдиган даражадаги ҳаракатлар унинг учун одатий ҳол бўлиб қолди. Ҳаром-ҳариш йўллар билан топилган пуллар ҳисобига ичиб олиб ҳар куни тўполон кўтариб, одам боласи кўрмаган зулм ўтказишга киришди. Ароқ учун пул топа олмаган кунлари эса Фотимани кимларгадир тухмат қилдириб, бойлик орттирмоқчи бўлди. Унамаган пайтида шафқатсиз калтаклаб ва юзларини «олмос» билан қирқиб, мажбуран Турғунпўлат исмли кишига қарши тухмат аризаси ёздириб, пул талаб қилди. Акс ҳолда аризани прокуратурага топшираман, дея қўрқитди. Сал ўтмай, шундай қилди ҳам. Бироқ ўтказилган текширув ва суриштирув натижасида ёлғон сув юзидаги пуфакдек ёрилиб, оқни оққа, қорани қорага ажратиб берди.

Зулмга чидай олмасдан кетиб қолган Фотима ўрнига Роҳатой исмли аёлга уйланган Бозор олдинги хатти-ҳаракати ва қилиқларини давом эттирди. Бозор Роҳатойни ҳам дўппослашга, бошига ит кунини солишга киришди. Юз берган ушбу воқеа эса ҳаммасидан ошиб тушди ва у Бозорнинг инсоний қиёфасини йўқотганлигини, икки оёқли ваҳшийга айланганлигини кўрсатди.

Анчадан бери ота-онасидан хабар топмаган аёл меҳрибонларини кўриб, кечга яқин уйга қайтди. Аммо бу ерда бўкиб ичиб олган Бозор уни ўлжасини пойлаган қоплондек кутмоқда эди. Эшикдан кириб салом бериши ҳамон юз-кўзи аралаш тушган залвордек мушт ерга қулатди. Шу пайтда ерда ётган аёл Бозор учун бамисоли хас-хашак эди. Юз-кўз ва бошқа бирон жойига қарамасдан оғир туфлиси билан аёвсиз тепкиларди. Аёл бечоранинг вояга етмаган ўғли Бобуржоннинг додлаб ёпишишлари ҳам кор қилмади, раҳмини келтирмади. Ниҳоят қурбонида жон асари қолмагачгина толиқиб тепкилашдан тўхтади.

Наманган вилоят суд-тиббиёт экспертизаси Роҳатой танасининг бирон қисмида соғ жойи қолмаганлигини, бошидан тортиб юрак ва жигари ёрилганлигини ва қатор қобирғалари синганлигини тасдиқлаб берди. Ашаддий қонхўр Б.Турғунов қилмишига яраша жазога ҳукм қилинди.

Шўрлик Бобуржон... Энди унинг ҳоли не кечади? Кимга она деб талпинади, кимдан оталик меҳрини топади?

**Т.КАРИМОВ,**
**Наманган вилоят прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими катта терговчиси, адлия маслаҳатчиси**
**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 18646 Буюртма Г— 316

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru